

Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2019-yil 16-fevral, shanba 14 (8981)-son

web sayt: www.qishloqhayoti.uz

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МУШТАРАК ЖИХАТЛАР, ТАХДИДЛАР ВА ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан белгиланган Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий устувор йўналишларини амалга ошириш доирасида Тошкентда 19-20 февраль кунлари "Марказий Осиёда ўзаро муштараклик: тахдидлар ва янги имкониятлар" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

ЎЗА МУХБИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ СТРАТЕГИК ВА МИНТАҚАЛАРАДО ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ ДИРЕКТОРИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ БОТИР ТУРСУНОВ БИЛАН СУХБАТИ МАЗКУР ЙИРК АНЖУМАННИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА БЎЛДИ.

– Аввало, Марказий Осиёда ўзаро муштараклик муҳитини мустақамлашга хизмат қилаётган омиллар ҳақида суҳбатлашасан. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг минтақада ўзаро ишончини янада мустақамлаш имконини бераётган ташаббуслари ҳақида.

– Дарҳақиқат, сўнги уч йилни Марказий Осиё давлатлари муносабатлари тарихида янги даврнинг бошланиши сифатида баҳолаш мумкин. Қисқа даврда давлатлараро алоқаларда муҳим ижобий натижаларга эришилди. Қўшни мамлакатлар бир-бирига нафақат чегараларни, балки бозорларини ҳам очди. Минтақада янги мустақил давлатлар ташкил толган даврдан бошлаб биринчи марта ён қўшнилар саноат кооперацияси, ўзаро инвестицияларни жалб қилиш, хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйди.

Қозоғистон Республикаси пойтахти Остона шаҳрида 2018 йилнинг март ойида илк бор ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари маслаҳат учрашуви ҳам ўзаро муносабатларнинг янги босқичи бошланганига ёрқин мисол. Тошкентда жорий йилнинг апрель ойида Марказий Осиё давлат раҳбарларининг навбатдаги маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди.

Ҳамкорликнинг янги босқичда давом этаётгани ўзаро савдо-иқтисодий натижаларга ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. 2018 йилда мамлакатимизнинг минтақа давлатлари билан ташқи савдо айланмасида ўсиш суръати кузатилди.

Биргина мисол. Қозоғистон билан ўзаро савдо айланмаси ҳажми 2017 йилда 1,7 миллиард АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 2,8 миллиард АҚШ долларига етди. "GM Uzbekistan" автомобилларини қўшни давлатда йиғиш йўлга қўйилди. Шунингдек, минтақавий туризمنى ривожлантириш мақсадида "Ипак йўли визаси" лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган.

Ўтган йили Ўзбекистонга қўшни давлатларнинг 4 миллионга яқин фуқароси турли даражадаги ташрифларни амалга оширди. Бунда кейинги йилларда жадал ривожланаётган халқ дипломатияси муҳим ўрин тутди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бу ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Президентимиз раҳбарлигида Марказий Осиё давлатлари, ён қўшилари билан нисбатан амалга оширилаётган очик, ўзаро ишончга асосланган фаол ташқи сиёсат минтақамизда рўй бераётган ўзгаришларда муҳим пойдевор бўлди.

Халқаро экспертларнинг қайд этишича, Ўзбекистон Республикаси Президенти минтақада узоқ йиллар тўпланиб қолган муаммоларга ечим топишда муҳим сиёсий ирода намойиш этмоқда. Хусусан, Туркиядаги нашрлардан бири – "Дерин Эконом" давлатимиз раҳбарини мамлакат, минтақа ҳамда халқаро майдондаги вазиятга фаол таъсир кўрсатадиган етакчилар ўнталигида қайд этгани шулар жумласидан.

– Сизнингча, бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлигининг қайси йўналишлари устувор аҳамият касб этмоқда?

– Марказий Осиёда юзага келган янги сиёсий муҳит, глобаллашув жараёнлари ҳамкорлик йўналишларини кенгайтириб боришни, фойдаланилмаган имкониятларни ишга солишни талаб этади. Зеро, бу замонавий тахдидларга қарши биргаликда курашиш, минтақада қўлай инвестициявий муҳитни яратиш, халқаро ҳамжамият, шу жумладан, бизнес тузилмаларининг Марказий Осиё давлатларига сармоя киритиш бўйича интилишларини самарали рўйбга чиқаришга хизмат қилади.

Минтақада 70 миллиондан ортиқ аҳолига эга улкан бозор мавжуд. Машҳур "Boston Consulting Group" маълумотларига кўра, минтақа иқтисодиёти реал секторларига 40-70 миллиард долларлик инвестиция жалб қилиш мумкин.

(Давоми 2-саҳифада)



Боғда иш қизғин
Шу кунларда Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги "Замин фидойиси" кўп тармоқли фермер хўжалиги миришкорлари боғ юмушлари билан банд. 3 гектар майдондаги олхўри дарахтларига шакл бериб, буташ ишлари бошланди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуний йжросини таъминлаш борасида самарали ишлар йўлга қўйилган. Бунга АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан олиб борилаётган тизимли ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бугунги кунда ушбу молия муассасаси нафақат миқозларга намунали хизмат кўрсатиш, балки жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини ўрганиш, таҳлил этиш ҳамда мавжуд муаммоларга ечим топишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ҳар бир мурожаат эътиборда

■ Сухроб ЗИЁДУЛЛАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Миллий матбуот марказида мазкур банк томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида шу ҳақда батафсил сўз юритилди.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда банкнинг марказий идорасида Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш бошқармаси, банк филиалларида эса масъул ходимлар фаолият юритмоқда. Ўтган йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банк орқали ҳамда тўғридан-тўғри жисмоний ва юридик шахслардан жами 1745 та мурожаат келиб тушган. Улар эса банкнинг тегишли таркибий тузилмалари ва филиалларининг масъул ходимлари томонидан белгиланган муддатларда кўриб чиқилган.

Мурожаатлар асосли таҳлил қилиниб, уларда кўтарилаётган масалаларнинг ечимини топиш борасида зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Шунингдек,

банкда "Ишонч телефони" фаолияти йўлга қўйилган.

Банк бошқаруви ва филиаллар раҳбарларининг фуқаролар учун шахсий қабуллари, шу жумладан, сайёр қабуллари ташкил қилинмоқда. Таҳлилларга кўра, 217 та мурожаат ижобий ҳал қилинган. 1389 та мурожаатга тегишли тушунтириш берилган, 27 та мурожаат тааллуқлилиги бўйича тегишли идора ва ташкилотларга юборилган. Яна 21 мурожаат маълумот учун қабул қилинган бўлса, 15 таси рад этилган.

Анжуманда юқорида зикр этилган қонун талабларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш, бу борада кузатилаётган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш ва келгусида уларнинг олдини олиш чоралари ҳақида сўз борди. Шунингдек, фуқароларни қабул қилиш, ёзма, оғзаки ва электрон мурожаатлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, мурожаатларни ҳал этиш сифатини ошириш, ушбу соҳа бўйича масъул ходимларнинг малакасини ошириб бориш юзасидан кўрилаётган ишлар тўғрисида ҳам маълумотлар берилди.

Қашқадарё вилояти

– Ушбу агротехник тадбирдан кўзланган асосий мақсад, дарахт шохларини бир текис жойлаштириб, эрта ҳосилга кириши учун қўлай шароит яратиш, ёруғлик бир хил тушишини таъминлаш, дарахт ёшини инobatта олган ҳолда, уларнинг ҳар бир тур ва навидан юқори сифатли мўл ҳосил олишга эришишдир, – дейди фермер хўжалиги раиси Қаҳрамон Неъматов. – Қиш давомида яхоб суви берилиб, маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиклан-тирилди. Ўтган йили 20 тонна олхўри етиштириб, 30 миллион сўмдан ортиқ даромад қилган бўлсак, бу йил фойдани икки баробар кўпайтиришни кўзлаб турибмиз.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Янгиликлар

Ўзбекистоннинг илк суверен рейтинг

Moody's халқаро рейтинг агентлиги томонидан 13 февраль куни Ватанимизга узоқ муддатли барқарор прогностини "В1" даражасидаги суверен рейтингини берди, деб хабар берди "Spot".

Халқаро рейтинг агентлиги мамлакатнинг суверен рейтингини тўрт асосий омил асосида баҳолайди – иқтисодий кудрат, институционал куч, давлатнинг молиявий кудрати ҳамда ҳодисалар хавфига мойиллиги, шунингдек, улар ўртасидаги муносабатларга боғлиқ.

Сув ўсимлиги фойдалими?

Олимларнинг таъкидлашича, қуритилган ҳолатдаги сув ўсимлиги (Кичик раска (Lepna tinor) таркибида табиий шароитда 30 фойз, максус шароитда етиштирилганда 45 фойзгача оқсил мавжуд бўлади.

У алмаштирилмайдиган аминокислоталар (аргинин, лизин) миқдори бўйича маккажўҳоридан юқори туради. Бундан ташқари, таркибиде ёғлар, углеводлар, клетчатка, аспараг ва глютамин кислоталари, фитостеринлар, флавоноидлар, дитерпеноидлар, каротиноидлар, ароматик ва ёғ кислоталари, фосфолипидлар, азотли бирикмалар, тритерпен бирикмалар, ошловчи моддалар бор. Таркибиде яна полисахаридлар, сулфолипидлар, муҳим микроэлементлардан бром, йод, фосфор, кальций, кремний, магний, мис, темир, цинк, марганец, кобальт, никель, титан, ванадий, радий, цирконий ва ҳатто олтин, витаминлардан В группаси, А, РР, Е мавжуд.

Витаминларга бой бу ўтдан таботатда кенг фойдаланиш мумкин. Шунингдек, чорва, парранда ва балиқларни боқишда ҳам ўта самаралидир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2019 йил 15 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Сенати Кенгаши аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, вазирликлар, идоралар, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган мажлисда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масаласи муҳокама этилди.

Сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида мамлакатимизда маҳалла институти фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ишончли пойдевор ва таъсирчан кучга айланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида кенг қўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилаётганини таъкидладилар. Натижада жамият ҳаётининг самарали миллий шакли ҳисобланган мазкур ноёб тузилма мамлакатимизда амалга оширилаётган "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамоилининг амалдаги ифодаси бўлди ва аҳолининг кенг қатламларини давлат ҳокимияти органлари билан боғлаб турувчи мустақам кўприкка айланди. Сўнги йилларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимини такомиллаштириш, маҳалланинг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирчанлигини янада кучайтириш, ваколатларини кенгайтириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Қайд этилганидек, бу галги фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови жамиятнинг янада ислоҳ қилиш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш шароитида бўлиб ўтади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харақатлар стратегиясига мувофиқ, 2018 йилнинг октябрида "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида"ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Унда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) уч йил муддатга сайланиши, яширин овоз бериш, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмақлашувчи Республика комиссиясининг ваколатлари, фуқаролар вакилларининг сони сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар умумий сонининг камида 12 фоизини ташкил этиши лозимлиги каби янги қоидалар мустақамлаб қўйилди.

Муҳокама чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши аъзолари қайд этганидек, мамлакатимизнинг 9019 та маҳалласида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари)ни сайлаш жараёнида фуқароларнинг иштирок этиш конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ рўйбга чиқариш учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, сайлов жараёнида ёшлар ва хотин-қизларни кенг жалб қилиш, сайловнинг барча иштирокчилари амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига, шу жумладан, ошқоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи тамойилларига сўзсиз ва қатъий риоя этишини таъминлаш, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) лавозимларига кўрсатиладиган номзодлар, уларнинг ишчанлиги ва ахлоқий фазилатлари билан фуқароларнинг ҳар томонлама таништириш бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги энг муҳим талаблар ва аниқ мақсадга қаратилган вазифалар ҳисобланади.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш зарурлиги қайд этилди.

Муҳокама якунлари бўйича аввалги сайловларда орттирилган тажриба ва қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови жорий йил май ойида ўтказилади. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тадбирлар режаси, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловига доир сайлов бюллетени намунаси тасдиқланди. Шунингдек, Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмақлашувчи республика комиссияси тузилиб, унинг таркиби тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

Томорқа – ДАРОМАД манбаи

Бухоро вилояти Олот туманидаги "Талқонсаёт" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси томорқачиликда ўзига хос мактаб яратган. Масалан, Раҳматжон Расулов иссиқхона ташкил этиб, 6 сотих майдонда помидор, бодринг, 3 сотих ерда булғор қалампирни етиштиради. Иссиқхонадан ҳар йили мўл ҳосил олинмоқда. Шу кунларда оила томорқачилари булғор қалампирини бозорга пешмапеш етказиб беришмоқда. Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган суратлар.





Ўзбекистон учун евробонд

13 февраль куни Ўзбекистон мустақил тарихида биринчи марта 5 йиллик 500 миллион долларлик евробондлари 4,75 фоиздан, 10 йиллик 500 миллион долларлик евробондлари эса 5,375 фоиздан жойлаштирди, деб хабар бермоқда "Kup.uz" Молия вазирлигининг хабар беришича, қарз облигацияларини ёпиш мuddати тегишична 2024 ва 2029 йилларнинг февраль ойи эди белгиланган.

Ўзбекистон Ташқи ишлар
вазирлиги Афғонистон
президенти билан учрашди

Хавфсизлик бўйича Мюнхен конференциясида иштирок этган Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комиллов бошчилигидаги делегация 2019 йилнинг 14 февраль куни Афғонистон Ислому Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани билан учрашди, деб хабар берди Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати. Суҳбат аввалида вазир Афғонистон президенти ва у орқали бутун афғон халқи-га Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг самимию ҳурмати ва тинчлик ва фаровонлик изхор этилган энг эзгу тилакларини етказди. Учрашувда Афғонистонда тинчлик сиёсий мулоқотларини бошлаш доирасидаги ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Президент Муҳаммад Ашраф Ғани Ўзбекистон Президенти ва биродар ўзбек халқиға мамлакатдаги тинчлик жараёнига қўмаклашиш, унинг иқтисодий-иқтисодий тикланиши борасидаги изчил ва қатъий сўз-ҳаракатлар учун миннатдорлик изхор этди. Суҳбатда Ўзбекистон – Афғонистон кун тартибининг бошқа масалалари ҳам кўриб чиқилди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МУШТАРАК ЖИХАТЛАР,
ТАҲДИДЛАР ВА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

– Бугунги кунда исбот талаб этмайдиган бир ҳақиқат бор. Бу ҳам бўлса, минтақа хавфсизлигини бир давлат миқёсида ёки алоҳида тасаввур этиб бўлмайди. Биргаликдаги сўз-ҳаракатлар натижасида минтақа учун умумий бўлган рақобатлашуви, экстремизм, терроризм каби таҳдид ва хавфларга қарши курашиш мумкин. Шу маънода, 2018 йил 12 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюция қабул қилинган кувонар ҳолдир. Лойиҳаси Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган бу ҳужжат БМТга аъзо давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди. Резолюциянинг қабул қилиниши 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Президент Шавкат Мирзиёев илгари сурган ташаббуснинг амалий ифодаси бўлди. Давлат раҳбари БМТ юксак миқёсдаги таълим ҳужжати бўлиб, Ўзбекистон томонидан тақлиф этилган резолюциянинг асосий мақсади "барчангиз таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва мажоратга барҳам беришга қўмаклашишдан иборат" эканини қайд этди. Ҳужжат "Бағрикенглик

ва ўзаро ҳурматли қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймайлик қўмаклашиш"га қaratилган. Бу нафақат минтақамиз, балки дунё ҳамжамияти дуч келаётган муаммоларга ўзига хос жавоб ҳамдир. Ҳозирги кунда Ўзбекистон қўшни Афғонистондаги можазоларга ечим топишга қаратилган фаол ташқи сиёсий ташаббусларни амалга оширмакда. Пойтахтимизда 2018 йил 27 март куни "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шерикли" мавзусида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент конференциясининг ўтказилиши ҳам шундан далолат. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган мазкур конференция жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди. Унда 25 давлат ва халқаро ташкилот вакиллари иштирок этди. Афғонистонда тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлашга хизмат қилувчи мазкур конференция афғон халқининг муаммоларини ҳал қилиш бўйича аниқ тақлифлар илгари сурилгани билан амалий аҳамиятга эга. – Тошкент шаҳрида ўтадиган

"Марказий Осиёда ўзаро муштараклик: таҳдидлар ва янги имкониятлар" мавзусидаги халқаро конференциядан қутилаётган натижалар ҳақида ҳам маълумот берсангиз. – Бугунги кунда халқаро муносабатларда барқарор, жадал ривожланмаётган давлатлар халқаро ҳамжамиятнинг конструктив ва узоқ мuddатли шериклари бўлиши мумкин, деган ҳаётий қараш мавжуд. Агар минтақа давлатлари бу йўналишдаги мақсадларни амалга ошира олса, Марказий Осиё "Евроосиёда барқарорлик ва тинчликнинг геосиёсий лабораторияси"га айланиши мумкин. Ушбу конференция эса ана шундай мақсадлар сари яна бир муҳим қадам. Марказий Осиё масалалари билан шуғулланувчи экспертлар, таҳлил доира вакиллари, олим ва тадқиқотчилар иштирок этадиган тадбирда минтақада содир бўлаётган жараёнлар, чегара бўйича ҳал этилиши керак бўлган масалалар, сувдан оқилона фойдаланиш, хавфсизлик ва савдо масалалари муҳокама қилинади. Анжуманда АҚШ, Россия, Хитой, Буюк Британия, Туркия, Ҳиндистон каби мамлакатлар, шунингдек, Марказий Осиё давлатларининг етакчи таҳлил марказларидан 100 дан ортиқ

(Боши 1-саҳифада) Шу қабилидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, минтақа давлатлари учун фарқи ва ўзига хос ёндашувлар баробарида, иқтисодий диверсификация қилиш, модернизациялаш, янги ҳамкорлик йўналишларини йўлга қўйиш каби умумий стратегик вазифалар мавжуд. Марказий Осиё мамлакатларининг муҳим стратегик жойлашуви халқаро транспорт йўлакларини имкониятларидан оқилона фойдаланишни тақозо этади. 2017 йилдан бошлаб темир йўл, ҳаво ва автомобиль йўллари қатновлари ташкил этилган. 2018 йилнинг август ойидан бошлаб Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон – Афғонистон автомобиль йўли бўйлаб юк ташувларининг йўлга қўйилгани янги "Шарқ-Ғарб", "Шимол-Жануб" транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга оширишда кенг имкониятлар яратмоқда. Бундан ташқари, саноат кооперацияси, минтақалар ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни янада мустаҳкамлаш, минтақавий туризмни ривожлантириш ҳам устувор мақсадлар сирасида. – Дунёда барқарор ривожланишга эришишни муҳим ва бирламчи омили бу – тинчликдир. Айтинчи, бугун Марказий Осиё минтақаси тотувлиги раҳна солаётган таҳдидларга қарши курашдаги сўз-ҳаракатлар нималарда намоён?

Хоразм вилояти

Мелиорация

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиламасдан туриб, кўнглидагидек ҳосил олиб бўлмайди. Негаки, сизот сувлари сатҳи кўтарилган ерларда шўрланиш кучайиб, туپроқнинг ҳосилдорлиги пасаяди. Бор-боря ер ишдан чиқади. Образули қилиб айтганда, ер дардга чалинади. Шу сабабли коллектор ва захкашлар вақти-вақти билан қазиб турилади. Захкашларнинг ён деворларидаги беҳисоб "кўз"чалардан оқаётган сизот сувлари билан гўёки ер ичидаги дард оқиб чиқади.

Жорий йилда коллекторларни тазмирлаш ва тиклаш лойиҳалари бўйича 13 та объектда 1 миң 770 километр узунроқ масофада пудрат ишлари амалга оширилади. Бунинг учун 33 миллиард 963 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилиши режалаштирилган. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 29-30 ноябрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида "Чақмақўл" коллек-

ЕРДАН ЗАХ ҚОЧСА,
ДЕҲҚОННИНГ ДАРДИ АРИЙДИ

Болтабой МАТҚУРБОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири. – Хоразм вилоятининг умумий сугориладиган ер майдони 265 миң 902 гектарни ташкил қилади, – дейди Чап қирғоқ Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги мелиоратив экспедицияси бошлиғи Бенказар Ганжаев. – Вилоят ер ресурслари ва Давлат кадастри томонидан берилган маълумотга кўра, 2018 йилда вилоятимиз бўйича қишлоқ хўжалигида 25 миң 165 гектардан зиёд майдон фойдаланилмасдан қолди. Шундан қарийб 16 миң 740 гектар май-

ювиш ва экинларни сугориш даврида сув етказиб берилди. Жорий йилда коллекторларни тазмирлаш ва тиклаш лойиҳалари бўйича 13 та объектда 1 миң 770 километр узунроқ масофада пудрат ишлари амалга оширилади. Бунинг учун 33 миллиард 963 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилиши режалаштирилган. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 29-30 ноябрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида "Чақмақўл" коллек-



дон сув танқислиги, 3 миң 185 гектар майдон сув тармоқларининг носозлиги туфайли, 2 миң 585 гектар майдон эса ўта шўрланганлиги, 1 миң 507 гектари сизот сувлари яқинлиги ва 1 миң 148 гектардан ошмиқ майдон бошқа сабабларга кўра бўш қолган. Мелиоратив экспедиция жамоиси 2019-2020 йилларда юқорида қайд қилинган майдонларни фойдаланишга киритиш учун чора-тадбирлар ишлаб чиқди. Жорий йилда 8 миң 275 гектар ердан фойдаланиш режага киритилди. Бунинг учун ирригация ва мелиорация тадбирлари ишлаб чиқилиб, 2019 йилда қарийб 677 километр каналларда реконструкция, 2 миң 659 километрга яқин узунликдаги ички каналларда тазмирлаш ишлари ва 1 миң 269 километр узунликдаги коллекторларда тазмирлаш ва тиклаш ишларини ўтказиш режалаштирилди. Бундан ташқари, 2019 йилда сув кам талаб қиладиган қўвун, тарвуз, қизилмия ва озуқа экинларини экиш, иссиқхоналар ташкил қилиш режалаштирилган. Амударё вилоятининг асосий сугориш манбаи ҳисобланади. Ундан Тошсақа, Қиличнйёзоб, Питнак арна, Октабрь арна, Урганч арна каналлари орқали сугориладиган ер майдонларига ерларнинг шўрини

торининг шаҳар ҳудудидаги 3,4 километр узунликдаги қисмини ёпиқ-ёпиқ коллекторга айлантириш ишлари амалга оширилмоқда. Тадбирлар натижасида 28 миң 911 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, ўрта ва кучли шўрланган майдонлар 2 миң 851 гектарга, сизот сувлари сатҳи 2 метргача бўлган майдонлар 5 миң 635 гектарга камайди. Вилоятда ер ости сувлари сатҳи 1 метргача бўлган майдонлар 2017 йилда 65 миң 800 гектар бўлгани ҳолда 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 22 миң 967 гектарни ташкил қилди яъни, 42 миң 833 гектарга камайди. Бунинг асосий сабаби, 2018 йилда аввалги йилларга қараганда сув кам бўлганлиги, шולי экин майдонларининг камайганлиги, бугдой экин майдонларининг ўрнига экиладиган такрорий экинларнинг аввалги йилларга нисбатан камайганлигидир. Ўтақизилган мелиоратив тадбирларнинг икбий натижалари фермерлар эришаётган ютуқларда намоён бўлмоқда. Сирасини айтганда, хоразмлик мелиораторлар белгиланган режаларни удаллаб, баракали хирмон яратишда деҳқонларга ҳамнафас бўлмоқда.

Фарғона вилояти

Тошлоқлик пиллачиларнинг
ЮТУҒИ НИМАДА?



Жайларда бўлганимизда, кесилиб кетган тутиларнинг тўнкалари диққатимни тортади. Уватлардаги, йўл бўйларидангиз ота-боболаримиз экиб кетган тутилар нима учун кесиб кетилган? Бу савола кўпчилик турлича жавоб беради.

– Сизга нима, қоровуллад оладиган кишилари бордир ахир?... Йўқ, қоровул қўйилмаган эди. Натижада бошбошдоқлик вужудга келди. Тут кесганлик учун жазо бўшроқкиман, дейманда? Бўлмаса, давлат ва халқ мулки бўлган тутиларни бировлар ҳеч иккиланмасдан кесиб кетишмаган бўларди. Не ажабки, Тошлоқ туманининг қўпгина қишлоқларида катта тут дарахтлари, ҳа, пилла қўртининг асосий озуқаси бўлган тут дарахтлари виқор билан кўкка бўй чўзиб турибди. Уларни асраганларнинг отасига раҳмат, деб юборганими билмай қолдим.

Хамиджон БУРҲОҶОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

– Ҳа энди газ бўлмаганидан кейин кесишди-да, – дейди риштонлик бир ташишчи. – Нима қилишинг? Совуқда қотиб қолмаслик керак... – Тут уларнинг мулки эмаску, – дейман.


Тошлоқ тумани "Пилла М-Ҳ" раиси Фаррух Абдужабборов тут дарахтларидан етарли даражада барг олингани, тут плантациялари, аҳоли хонадонларидаги тутилардан оқилона фойдаланганлари туфайли 2018 йилда туманда фермер хўжаликлари кучи билан режадаги 120 тонна ўрнига 128 тоннадан зиёд аъло навли пилла етиштирилганини айтиди. – Бугунги кунда фермер хўжалиги уватларидаги ва йўл ёқаларидаги тут дарахтларининг сони 289 миң тутини ташкил этади, – дейди у. – Ота-боболаримизга раҳмат, шунча тутиларни экиб, парваришлаб кетган эканлар, мана асраб авайлаймиз. Катта тутилардан ташқари, мавжуд 17 та тутичилик хўжаликлари тасарруфидидаги 100 гектар тут плантацияларида экилган қўчталар сони 190 миң 100 тутини ташкил этади. Улар ҳам бараваж ўсяпти. Тошлоқ туманида бошқа туманларга қараганда пилла етиштириш яхши ташкил этилганининг боиси нимада эканига энди тушундик. Демак, аввало, озуқа базаси яхши бўлиши керак экан. Жорий йилда туманда пиллачиликни ривожлантириш мақсадида, фермер хўжаликларини ривожлантириш мақсадида 600 миң янги тут қўчталарини экиш режалаштирилган. Ҳозирчага 110 миң тут тути қўчати экилди.

Дилдаги гаплар

Умримнинг олтмиш биринчи баҳорини қарши оляпман. Умрим давомида кўплаб юртларда бўлдим, кўплаб миллатларнинг урф-одатларини, устозларига бўлган меҳру муҳаббатни, эҳтиромни, муносабатларининг гувоҳига айландим. Англаганим, устоз-мураббийларга ўтмишда ҳам, ҳозирги замонда ҳам иззат-иқром кўрсатилган, улар доимо ардоқланган.

Не бахтки, мен ҳам ўқитувчилар оиласида дунёга келдим, фидойий устозлардан билдим олдим. Бугун шунга амин бўлдимки, эришган барча муваффақиятларимизда бор билганим, қалб кўрини, кўз нуруни, умрини бахшида этган устозларим, Норин туманидаги 41-сонли умумий ўрта таълим мактабининг (аввалги 71-сонли) фидойий ўқитувчилари – Шаҳобиддин Яхшибоев, Абдуғаффор Юнусов, Абдувоид Раҳмонов, Хамиджон Аҳмедов, Раҳматилла Турғунов, Абдуманноб Маликов, Мирзажон Азимов, Хурсанбой Эргашев, Қоражон Мирзаалимов (охиратлари обод бўлсин), ҳамон ишлар тарбиясида фаоллик кўрсатиб келаётган Абдулҳақ Ботиров, Каримахон Ҳайитова, Фотимахон Кашафудинова, Абдурахмат Гофуровларнинг хизматлари беқиёс бўлган. Мослаштирилган, қишда совуқ, тайинли кўргазмали қуролларга эга бўлмаган синфларни меҳр-тафти, илм нури, таъриба маҳорати билан илтиб, мурғак қалбларга зиё улашган азиз устозларни унутиб бўладимиз? Илк бор қўлимга қалам тутишни ўргатган, ҳарф танитган, журналист касбини танилашимга

туртки берган устозим Шўхратжон Ваҳобов билан боғлиқ бир воқеани ибрат тариқасида ҳикоя қилишга чоғланаётганим ҳам бежиз эмас. Энг аввало, устоз ҳақида икки оғиз сўз. У бу йил етмиш



УСТОЗЛАРИНГИЗДАН
ҚАЧОН ХАБАР ОЛДИНГИЗ?

бўлсин, деб даки бердим. Иккинчидан, педагог сифатида сиздай кекса одамни хафа қилсам, яхши бўлмайди, деб одоб саклаб турибман... деган сўзларини эшитиб билдимки, ўша одамнинг набираси мактабга сизга олиб келиб, бошқа болаларнинг ҳам тарбияси бузилишига сабабчи бўлаётган экан. Уйга қайтган, кўрганларимни отамга айтиб бердим. Отам раҳматли обдон йўналиб, Ўғлим, устозни беҳурмат қилган инсоннинг "бири" икки бўлмаган. Буни зинҳор ёдингиздан қичирманг, дегандилар. Мен ўтган йиллар давомида устозимга ноҳақ озор етказган ўша отахон-

нинг, унинг ўғли ва набираларининг ҳаётини кузатдим. Боболари каби чилим чекишга руж қўйган фарзанд-набиралар охири-оқибат ёмон йўлларга кириб қолишди. Олис юртларда жиноят устида қўлга олинди. Кўпчилиги бу оламдан эрта ўтиб кетди. Устозим эса ҳали бардам-бақувват. Ўғил-қиз, набираларининг бағрида нурунийлик гаштини суриб, умргузаронлик қилмоқда. Бутун қишлоқнинг фахри. Маҳалла фаолларининг сардори, нотинч оилаларни яраштириш, тўй-маъракаларни камчиқим, тартибли ўтказиш каби хайрли ишларга бош-қош. Яқинда синфдошлар устозимизни йўқлаб, дуоларини олдик.

Шу ўринда сиз, азизларга ёшингиз, касбингиз, маълумотингиз, эгаллаб турган амалингиздан қатъий назар, бир савол берсам. Сизнинг ҳаётингизда устозлик қилган, бу олий мақомга муносиб топилган инсонлар қанча? Сезиб турибман, улар унчалик кўп эмас. Улар бочадаги илк тарбиячингиз, мактабдаги биринчи, ўқитувчингиз, олий ўқув даргоҳидаги домлаларингиз, ишхонангиздаги устозларингиз. Уларнинг сизга бўлган меҳр-муҳаббатга боис, эл қорига ярайдиган инсонга айландингиз. Йилдан-йилга обрў-эътибор, ҳурмат қозониб, ҳаёт деган катта саҳнада ўз ўринингизни тоplingиз. Энди айтинчи, сизга оқ-қорани танитган, эл ичида азизу муқаррам бўлишингизга меҳнатни синган устозларингиздан қачон хабар олдингиз? Равшанбек МИРЗОАЛИМОВ, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби.

АКАДЕМИК СУЛТОН АЛИМУҲАМЕДОВ



Ўзбекистон илм-фани огир жу- доликка учради. Қишлоқ хўжалик соҳасидаги атоқли олим, собиқ Ўз- бекистон Қишлоқ хўжалиги фанла- ри академиясининг ҳақиқий аъзоси Султон Алимухамедов 2019 йил 11 февралда 90 ёшида вафот этди.

Султон Алимухамедов 1929 йил 1 январда Тошкент шаҳрида туғилди. 1950 йили Тошкент қи- шлоқ хўжалиги институтини (ҳозирги Тошкент давлат аграр университе- ти) тугатиб, ушбу институт аспирантурасида таҳсил олди.

Дастлаб номзодлик, кейинчалик докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Илм-фан соҳасидаги кўп йиллик хизматлари учун 1991 йилда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари ака- демиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Истеъодли олим ўзининг 70 йилдан зиёд илмий-педаго- гик фаолияти давомида Тошкент қишлоқ хўжалиги институти доценти, кафедра мудири, Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти директори лавозимларида самарали меҳнат қилди ва юртимизда ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги долзарб масалаларни тадқиқ этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлашга муносиб ҳисса қўшди.

Заҳматқаш олимнинг илмий изланишлари натижалари, ишланма ва тавсиялари қишлоқ хўжалиги соҳасида қўлла- ниб, турли экинлар ҳосилдорлигини оширишда муҳим аҳа- миятга эга бўлди.

Султон Алимухамедовнинг долзарб мавзулардаги қўл- лаб илмий мақолалари, китоб ва монографиялари юртимиз ва хорижий мамлакатлар олимлари ва мутахассисларига яхши маълум.

Узоқ йиллар давомида қўллаб ёшларга сабоқ берган Султон Алимухамедовнинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари ва докторлари тайёрланган.

Жонкуяр олимнинг Ўзбекистон илм-фанини ривожланти- риш борасидаги хизматлари давлат томонидан муносиб тақ- дирланиб, у “Хурмат белгиси” ордени билан мукофотланган эди.

Йирик олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Султон Алимухамедовнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақла- ниб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Тошкент давлат аграр университети.

Навоий вилояти



ЛИМОН Гуллаганда...

Меҳнат қилган одамда янгиликка интилиш, ташаббускорлик иштиёқи ошаверади. Қизилтепа туманидаги “Адиз бобо” фермер хўжалиги раҳбари Ш.Шарипов ҳам шундай ишбилармонлардан. Фермер яратилган имтиёзлардан унумли фойдаланиб, ўтган йили “Осиё тараққиёт банки”дан 2 миллион 600 минг АҚШ доллари миқдорида кредит маблағи олди ва 8,5 гектар майдонда хорижий технология асосида замонавий иссиқхона барпо қилди. Унга Сурхондарёдан келтирилган серҳосил лимон кўчатлари ўтказилмоқда.

Баҳорга қадар 9 мингта лимон кўчати ўтказилди, – дейди фермер. – Улар уч йилда ҳосилга кирилади. Келгусида гектаридан 80 центнергача ҳосил олиши- ни мўлжаллаб турибмиз. Иссиқхона замонавий бўл- гани учун ҳам ишчи кучига катта талаб йўқ. Ишнинг асосий қисми компьютер орқали амалга оширилади. Агроном ва операторлар ҳарорат, намлик назорати, томчилатиб сугориш усули, ўғитлаш ва бошқа юмуш- ларни компьютер ёрдами- да бажаради. Кўл меҳна- ти билан бажариладиган ишлар учун мавсумий 30 нафар ишчи олишни режа- лаштирганмиз.

Астойдил меҳнат қи- линса, уйдаги томорқадан ҳам мўмай даромад олиш мумкин. Ҳаммаси хоҳиш ва истакка боғлиқ. Вило- ят бўйича 141 минг 404 та экин ери бор хонадоннинг 5 минг 711 тасида 69 гектар иссиқхона қурилган. Улар айнан лимончиликка эъти- бор катталиги қувонарли. Бу мева шифобахшлиги учун доимо харидордир.

Хатирилик Сама- Зулфия БОБОЕВА

Сирдарё вилояти

Бахт шаҳридаги “Бахтсельмаш” Ўзбекистон – Россия – Беларусь қўшма корхонасида айна вақтда 35 турдан ортиқ бутловчи қисм ва деталлар ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада тайёрланаётган лемих, борона, борона тишлари, чизел лапкаси, плуглар учун отвал, культиватор ишчи органлари, “РМУ-05” бугдой сепиш мосламаларининг сифатли ва арзонлиги боис, уларга бошқа вилоятлардан ҳам кўплаб буюртмалар тушяпти.

“Бахтсельмаш” ВАҚТИМИЗНИ ВА НАҚДИМИЗНИ ТЕЖАМОҚДА

Бозорбой БЕКМУРОДОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

– Ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтириб, фермер ва томорқа эгалари учун кичик ер текислаш агрегати, ем чиқариш тегирмони, хашакни янчиш, суспензия сепиш мосламалари ишлаб чиқаришни ҳам кен йўлга қўйдик, – дейди цех бошлиғи Алишер Файзиев. – Бун- дан ташқари, Тошкентдаги қишлоқ хўжалиги техникалари, бутловчи қисмлар ишлаб чиқарадиган йирик заводлар билан шартнома тузиб, буюртма асосида тракторларнинг эхтиёт қисмларини ҳам фермерлар- га келтириб бериб, намунали сервис хизмати кўрсатяпмиз. Ана шу ҳара-

катларимиз самарасида ўтган йили фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига 400 миллион сўмлик бутловчи қисм ва деталлар етказиб бердик. Энг асосийси, фер- мер ва томорқачиларга мўлжаллаб тайёрланаётган ем чиқариш тегирмо- ни, хашакни янчиш мосламалари- мизнинг нархи жуда арзон бўлиши баробарида сифат жиҳатидан бошқа турдош корхоналарда тайёрланаёт- ган шундай бутловчи қисмлардан асло қолишмайди.

– Авваллари “ТТЗ” ёки “МТЗ-80” тракторига, галла ўриш комбайнига бир, иккита шинани олиш учун ҳам Тошкентдаги трактор заводларида икки-уч кунлаб сарсон бўлиб, вақти- мизни йўқотар, яна уларни келти-

ришга ортиқча маблағ сарфлардик, – дейди Сирдарё туманидаги “Тини- бек бобо” фермер хўжалиги раҳбари Мади Тинибек. – “Бахтсельмаш” қўшма корхонаси раҳбарлари корхо- на қошида сервис хизмати кўрсатиш шўхобчасини ташкил этиб, қишлоқ хўжалиги техникалари учун зарур воситаларни келтириб сотишни йўл-

га қўйганлиги мушкулларини енгил- лаштирди. Эндиликда тракторлар учун зарур бутловчи қисмларни ушбу корхонанинг ўзидан олапмиз.

Метал йўнувчи Юнус Алиқулов, чилангар Шароф Нишонов, пайванд- чи Расул Орипов, слесарь Дилшод Умаровлар ишлаб чиқариш суръа- тини ошириши, маҳсулот сифатини янада яхшилаш билан бирга унинг турини кўпайтириш йўлида ҳам из- ланмоқдалар. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида бутловчи қисм ва тайёрланаётган деталлар учун хом- ашё ва қўшимча компонентларнинг ўзимиздаги турдош корхоналардан келтирилаётганлиги маҳсулот ишлаб чиқариш суръатининг янада ўсишини таъмин этаётди.



Юлғунни юлманг!

Сурхондарё вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг Термиз тумани инспекцияси ходимлари томонидан Термиз тумани Гулбаҳор маҳалласи ҳудудида ўтказилган тезкор рейд давомида табиий ҳолда ўсган, ўсувчанлигини йўқотмаган 1 метр куб юлғун ўсимлигининг ноқонуний равишда чопиб олинганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан айбдорлар жавобгарликка тортилди.

У.НОРМИРОВ, Сурхондарё вилояти Экология ва атроф- муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси Термиз тумани инспекцияси бош мутахассиси.

Мутахассис тавсиялари

Маълумки, ғўзадан қўшимча харажатларсиз, фақатгина ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитига мос нав танлаш ва юқори сифатли уруғ ҳисобига ҳосилдорликни 10-20 фоизга ва ундан ҳам кўпроққа ошириш мумкин.

МАҚБУЛ НАВЛАРНИ ЭКИШ – МАЪҚУЛ ИШ

Селекция ишларининг амалдаги дастури комплекс изланишлар асосида олиб бориляпти. Асосий эътибор дастлабки селекция ишларининг услубларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга қаратилган. Олимлар, мутахассислар, фермерлар нав танлашда нафақат толаннинг сифатига, балки, унинг тегишарлигига ва ҳосилдорлигига, ўсимликни ўстиришнинг муайян шароитларига ҳам эътиборни қаратмоқда- лар.

Жорий йилда ҳукумат қарори билан мамлакат ҳудудларида 15 та тезпишар, 4 та ўртапишар ва 4 та истиқболли навларни экиш режалаштирилган.

Ғўза экиладиган майдонларнинг 60 фоизига яқини тезпишар, 30 фоизига ўрта- пишар ва қолган майдонларга истиқболли ва янги навларни экиш мўлжалланган. Утган йили жами 28 та нав экилган бўл- са, жорий йилда бу кўрсаткич 23 тани таш- қил этапти. Олдин экилиб келинган ўрта- пишар навлардан 5 таси ҳосилдорлиги ва сифати бўйича ўсиб бораётган талабларга жавоб бермагани учун экишга тавсия этил- мади.

ли, механизация билан парваришлагша, ҳосилни териб олишга мос, тола чиқими ҳамда мойдорлиги юқори бўлиши керак. Навлар муҳим ўзгаришга мослашув- чан, жумладан, тупроқда нам етишмов- чилигига, шўрга чидамли ва агрофоннинг яхшиланишига улуш қўша олиши лозим.

Жорий йилда асосий майдонлар тезпишар, ҳудудлар иқлим-шароитларига мослашувчан, “Султон”, “Бухоро-102”, “Бухоро-6”, “Бухоро-8”, “С-6524”, “Наманган-77”, “Андижон-35” навларини экишга ажратилган.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН Республикаси ва ХОРАЗМ вилояти фер- мерларининг 80-85 фоиз ғўза экиладиган майдонларига “Султон”, “С-4727”, “Хоразм-127” ва “Хоразм-150” навларини экиш режалаштирилган.

АНДИЖОН, НАМАНГАН ва ФАРҒОНА вилоятлари пахтакорлари эса 60-80 фоиз май- донларга “Андижон-35”, “Андижон-36”, “Наманган-77”, “Султон”, “С-8290” тезпишар навларини экишга тайёргарлик кўрмоқда.

БУХОРО, ҚАШҚАДАРЁ ва НАВОИЙ вилоятларининг ғўза экадиган хўжаликлари кўп йиллар давомида асосий майдонларида иссиқхона, юқори ҳосилли “Бухоро-6”, “Бухоро-8” ва “Бухоро-102” навларини экиб келишмоқда. Жорий йилда ҳаво ўзгариши мумкин- лигини инобатта олиб, ушбу вилоятларда истиқболли “Порлоқ-4” ва “Порлоқ-2” навларини ҳам экиш режалаштирилган.

Юқори сифатли IV тип тола берувчи “С-6524” ғўза навининг ҳосилига ишлаб чиқарувчи- лар кўпроқ харидор бўлмоқда. Ушбу нави Тошкент, Сирдарё, Фарғона ва бошқа вилоят- лар майдонларида экиш мўлжалланган.

Шунингдек, жорий йилда ЖИЗЗАХ вилояти фермерлари шўрланишга чидамли ва тезпишар “Ан-Бобвут-2” навини жами пахта етиштириладиган майдонларнинг 50 фоиз- гига экишни режалаштирилган. Сирдарё, Навоий вилоятларида ҳам ушбу нава мансуб уруғлар экилади.

СУРХОНДАРЁ, ТОШКЕНТ ва СИРДАРЁ вилоятлари пахтакорлари жорий йилда тезпишар “Султон” нави экиладиган майдонларни 30-60 фоизгача кенгайтирилган. Ушбу навининг ҳудудлар тупроқ-иқлим шароитларига мослашувчанлиги инобатта олинляпти.

Қашқадарё вилояти



Якубоғга халқ сайди

Юртимизда асрлар оша сақланиб келаётган ажиб бир анъана бор, бу – халқ сайлидир. Иил бошини кўтаринкилик билан кутиб олиш, деҳқону фермерлар ишига барака тилаш мақсадида ташкил этиладиган халқ сайилари қари-ю ёшни бирдек хушнуд этади.

Муҳаббат ЭЛИБОЕВА, “Qishloq hayoti” мухбири.

Ана шундай сайилнинг навбатдагиси Якубоғ ту- манининг Гулдара қишлоғида ташкил этилди. Атрофи пувркор тоғлар билан қуршалган бу сўлим қишлоқ аҳ- лини эрта тонгдан ногора-ю карнай овозлари уйғотиб, адирлик сари чорлади. Дошқозонларда ош дамланиб, халққа улашилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ночор оилалар, хаста ва эътиборга муҳтож одамлар ҳолдан хабар олиниб, эҳсонлар улашил- ди. Қадимий улоқ кўпқари уйинлари ташкил этилди, оркестр садолари уйғунлигида ҳарбий кўргазмали чиқишлар намойиш этилди.



Муродилла КОМИЛОВ олган суратлар.

Шу ёрнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари- нинг арзонлаштирилган ярмаркаси ҳам ташкил эти- либ, қишлоқ аҳли учун зарур озиқ-овқат маҳсулотла- ри савдоси йўлга қўйилди. Дорбоз уйинлари, спорт мусобақалари, таниқил санъаткорлар иштирокидаги концерт дастурлари барчанинг кўнглига хуш кайфият бахш этди.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят ҳокими Зафар Рўзи- ев деҳқон ва фермерларга бу йилги деҳқончилик мав- суми сермахсул, омадли ва баракали келишини тилар экан, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги давлат сиёса- тининг асп мақсад ва маслағи эканлигини таъкидлаб ўтди. Халқ сайиллари воҳанинг барча туман ва ҳудуд- ларида бўлиб ўтди.

Сўнги йилларда соҳа олимларининг диққат-эътибори пахтачиликни янада ри- вожлантириш мақсадида юқори ҳосил- ли, эртапишар, касалликларга чидамли, истиқболли ғўза навларини жойлашти- ришда минтақанинг тупроқ-иқлим шароитларини оптимал ҳисобга оладиган янги схемаларни яратишга қаратилган.

Баъзи фермерлар, агрономлар пах- танинг ҳосилдорлик қондицияси уруғ- нинг репродукцияси даражасига қараб қамайиб боради, деган фикрда юра- дилар. Илмий муассасалар ўтказган тадқиқотлардан маълум бўлишича, пахта ҳосилдорлиги чигитларнинг униб чиқиш қобилиятини белгилувчи класси- га, қўлланган агротехникага, берилган ўғитларнинг мутаносиблигига ҳам муай- ян даражада боғлиқдир.

Бир хил шароитда уруғлик схема- лари бўйича танлаб экилган турли ре- продукцияли чигитлар сифати ва ҳо- сидорликка кескин тафовут борлиги аниқланмаган.

Уруғлик чигитни сарфлаш энг муҳим тадбирлардан. Шу йўналишда олиб борилган илмий изланишлар ҳамда ишлаб чиқариш тажрибаларига кўра, сараланган чигит ўз вақтида экилса, ҳо- сидорлик 2,5-3 центнергача ошади.

Маълумки, кейинги пайтларда, бозор иқтисодиёти муносабати билан ишлаб чиқаришда яна бир муаммо пайдо бўл- моқда. У ҳам бўлса, уруғлик чигитни экиш меъёридир. Чунки туксизлантири- либ, яхши сараланган чигит аниқ уяларга экилганда, уруғ тукли чигитга нисбатан 2-3 марта қамаяди ва янада қилиш учун қўл кучи ишлатилмайди. Бу эса уруғлик чигитни тежаш имконини беради.

Хуллас, ғўзанинг мамлакатимиз та- бий-иқлимга мос келадиган навларини тўғри танлаб, ўз вақтида экиш, тайёр- ланган уруғликни қайта ишлаш, яъни, тозалаш, линтерлаш, саралаш, туксиз- лантириш, дориллаш қутилган натижа- ни беради. Қолаверса, ишлаб чиқилган тавсияларга биноан, капсуллап тайёр- ланган чигит экиш ғўзанинг самарадор- лигини янада оширади.

Албатта, мазкур тадбирларни амалга оширишда деҳқонларнинг бой тажриба- си, фидокорона меҳнати катта аҳамият касб этади.

Ренат АХАМОВ, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор.



“Нур тўла уй”, “Хушрўйлик сирлари”, “Алла айтгай, жоним болам”, “Фарзандингизга ўйинлар”, “Ори кўшиқ бўлган юрт”, “Нур тўла уй”, “Оилада болаларни алла воситасида маънавий-ахлоқий тарбиялаш”, “Онам айтган аллалар”, “Ўзбек халқ кўшиқлари” каби китоблар муаллифи Гулжаҳон Мардонова ушбу бадиясида ота-оналаримиз ибрати ҳақида сўз юритади.

Онам Хадича Худойқулқовбой кизининг хотирасига бағишлайман

Энам...
Эзнинг қарсиллаган чилласи. Куннинг иссиғи қулганнинг кўзини, гапирганнинг сўзини куйдираман, дейди. Қоқош жияларим помидор, бодринг тўралган яхтай чалопни ичиб олиб вижиллашганлари-вижиллашган. Энам эшикдан оп кирса, деразадан сакрайди:
– Моможон, ухла, деманг...
– Кунинг кўп бўлгур, уйингга бугдой тўлгур, иссиқ бетингни олади, – дейдилар энам.

Улар тиним билай, демайди. Шу тоб ҳовлида биров товуш бергандай бўлди. Тинкаси қуриб, тушликка келган укам Шермат ух торттиб ўрнидан кўзгалди. Кўп ўтмай уйга Шўрча кишлоғиллик Ҳайдар пиёзхўр бувани бошлаб кирди. Энам келинг-келингловди бува тўрга ўтди.

– Гулшода, буванга дарров чалоп қил, иссиқда жигари куйиб кетгандир, – дедилар энам сўрашувдан кейин.

Пиёзхўр бува Гулшода келин тайёрлаган чалопни роҳатланиб ичди. Энам укамнинг эрка-саркарлари Элдоржон билан Синдоржоннинг бошини силаб кўйиб бувага қани, нима гап дегандай қаради.

– Байбича, эшигинг яхши-жомонга бирдай очиқ, дастархонинг дўст-душманга баравар ёзилади. Маслаҳатга келдим.

Гулшода келин бу гапдан сўнг уларни кўтариб нариги уйга олиб чиқди.

– Айтинг, буваси, айтсангиз қусурдан чигасиз, – деди энам.

– Э, байбича, чақчанг ўлгур кичкам бир каттанинг қизига севдим-севдим бўпти. Ҳо, созанг ўлмасин дедим-да, Абдиқарим тракторчини оқ отга миндириб, оқ белвор байлаб жовчиликка жўнатдим. Каттанинг хотини товуқ мия экан. Тракторчига “Ҳах, Ҳайдар шоқоқи менинг тенгимма, келин олгунча аввал тондир-ўчоғини созласин, хотини рапидасини жонголосин, кейин ул ўлайди”, дебди, – пиёзхўр бува гапира-гапира салласининг

Этнографик бадиа

учи билан бурнини артки. – А, байбича, бу камақ бола тушунмаса, гўрга борайми? Шундан бошқасининг кераги жўқ, дейди. Ойилдай қойсар-да бўйнинг сингур, тоғаларига тортган...

Энам буванинг ҳасратини диққат билан эшитди. Бирдам тек қотди, кейин шиддат билан деди:

– Ай, ака, эзилманг! Энди эт битибди-да, каттанинг хотинига. Эл билади, кечагана бетига турпоқ жовилиб, тишининг эти қочиб, ранги ўчиб, чачи тўзиб, бошига беш сўмлик жоргоғи оғарган телпак кийиб жўрайди эри. Бачаларимнинг отасининг эски-тускисини сўраб кеганини эсдан чигарибди-да, – энамнинг товуши кўтарилиб-кўтарилиб давом этди. – Сизди беписанд қилган бўлса, Худо уни беписанд қисин! Айтмайсизми, бойлигингга шойлигим, отлигингга тойлигим, деб. Бо, худо, сиздай кудани, Ойимхол чечамдай кудайдай қаярдан товади? Туш кўради, энди. Болангиз суйса, суйгулик, кўзлари чақмоқдай, оғидан олов чигади. Тани ўйламанг, у бўмаса бошқаси, ғам қайда?

Ҳайдар пиёзхўр шоирдай сўзини инга тизган энамга анқайиб қараб қолади. Энам бўлса укамга буюради:

– Болам, оғбортомдаги кўйдинг мойидан опчиқиб бер. Қўрқма, буванг кўйди мойини энди кўраятгани жўқ. Гулшодага айт, сергушт, сержабзи қилиб ош қисин! Шолғомдан, бувангнинг отидан кўпроқ сосин, – деди энам. Сўнг бувага айтиди:

– Жиянингиз тўйга кетган, кесин ўйлашамиз. Қиз чачинг толаси, дамнингизни олинг!

Ҳайдар пиёзхўр бува шу кунни Менгир ақанинг жувоз мойи билан думба ёғ

Энам...

Нон, чой келтирилгач, бува гап бошлади: – Байбича, мен Чимдан келдим. Мени Нави бува дейди. Бу жогимсиз изгиринда безобита қилган бўлсам узр, сингил, – деди бува.

– Ундай деманг, буваси, одам бор жойга одам келади, – деди энам салмоқланиб. – Қани, чойдан олинг. Эркинжон, бувангга чойдан куй.

Буванинг бир ташвиш билан келганини сезган энам янгаларимга имо қилиб иккита бармоғини кўрсатди. Тушунарли, қуоқ таом тайёрланган, дегани бу. Янгаларим кир-чирини йиғиштириб, дарҳол ўчоқ-қозон тарафга кетишди.

– Байбича, мени яхши танидингма, йўқма билмайман. Бир сурув болам бор. Катталарини уйли-жайли қилдим. Худога шукр, ҳаммаси ўздан тинган, – деди бува.

– Тиндиргани чин бўлсин, буваси. Шу болаларди деб жўриппиз-да, – деди энам шукрона товушда.

Чол бир ҳўппам чой ичиб гапда давом қилди:

– Бир Гаппор деган улим бор. Шунини уйлай десам, Абдусалом ақангизнинг қизи Сапиядан бошқани омайман, деяпти. Қўшқаланинг жўлида калишим жиртилди. Қизди отасининг олдига уч марта бордим. Бошқага бераймиш қизини. Улим бўлса шунини суйман, дейди, муҳаббат дейди. Қизди отасига тушунтирдим. “Муҳаббат пухаббатингди билмайман, бошқага ваъда берганман”

дейди. А, бу тарихда ўтган Фарҳод ва Ширинлар, Юсуф ва Зулайхолар, Лайли ва Мажнунларнинг тақдирини жомон бўлганга одамлар сабабчи бўганини ҳеч ким билмасаям сиз биласиз, байбича. Чунки бойингиз ўқимилли, китоб таниган одам. Улим Фарҳод Ширинни суйгандай, Юсуф Зулайхони дегандай, Мажнун Лайлини танлагандай жиянингиз Сапияни деб ўтирибди, – буванинг чиройли, оҳангдор товуши айвонгача эшитилиб турар, биз ёшлик қилибми, унинг гапларидан товуш чиқармай қулар эдик.

– Буваси, а бу Сапия нима деятган экан? – сўради энам.
– Улим Сапияни уч-тўрт кун олдин пахта терайтганда кўрибди. Уйингга одам жўгараман, деган экан қиз қизариб, қулиб қўйганиммиш. Жоқтирмаса “тур-э, нар жоққа бор”, демасмиди, – жавоб берди бува куйиниб. – Боламга раҳим келаяпти. Қизинг отаси жўқ дегандан бери қоронғи томга қириб, гиламнинг устида овнаб жотибди. Нон жемайди, сув ичмайди. А, бу бола ўзини бир нима қил қўйса, мен гўрга бораманма, байбича.

– Буваси, хала бўманг, жойлашмаган нарса жўқ, – дейди энам кайвонилик билан.
Нотаниш бува янгаларим ўчоқ қозонда пиширган сергуштга мошқичирини еди, чойди ичди ва кетишга руҳсат сўради. Чол кетгач, энамнинг оромни бузди.
– Бачча жоқтирса, қиз норози бўмаса, нима қилади жўқ, деб. Э, туваб, жигит ўзини бир нима қил қўйса нима бўлади?
Отамдан руҳсат тегди шекилли, кечки пайт энам бошчилигида ҳаммамиз ҳоҳой қўйлақларимизни кийиб ясандик. Отамнинг шофёри, биров минг гапирса бир гапирмайдиган Қўкон ака “Виллес”да етиб келди. Қўшқалга, энамнинг ота бир эна бошқа ақаси Абдусалом тоғамниқига бордик. Биз олиб борган олма-анорлар, қарсиллаган узумлар, увиздай яптираган новотлар, оплоқ нонлар дастурхонга қўйилди. Анча ёши улғайиб қолган, табиатан беозор, хар доим кўзлари қулиб турадиган тоғам эътиборимиздан хурсанд бўлди. Ўчоқ қозонда дамланган ош ейилиб, иссиқкана кўк чой ичилган, энам Абдунаби бува айтган гапларини ётиги билан тоғамга тушунтирди. Тоғам билан аёли эътироз билдирмоқчи эди, энамнинг қатъий нигоҳига кўзи тушиб, майли, дегандек бош силқиди. Орадан бирор ҳафта ўтиб қолнинг ўғли билан София холамнинг фотиҳа тўйи бўлиб ўтди.

Ана шундай меннинг энам.

Отамнинг ўғитлари

Ҳар йили март ойи келаверса, шу воқеа эсимга тушаверади. Отам раҳматлик қовун-тарвузни, узум, анор, олма каби меваларни қишга ғамлаб қўйиб то май ойигача сақларди. Ҳар гал уйда палов пишса издан қовун сўйилишни одат тусига кирганди. Бундай мева-чева, полиз маҳсулотларини қишга сақлаш кишидан ўта маҳорат ва кунтни талаб қиларди.

Арининг захрин чекмаган...

Ахир, қишнинг қаҳратони, совуқ кунлари бор. Отам уларни гўдакни авайлагандай сақларди. Март ойининг охири эди ўшанда. Отам бир кун мени олдига чақириб: “Ақангнинг келмаганига анча вақт бўлди. Невараларимни соғиндим. Сақлаётган қовун-тарвузларимиз ҳам оқ қоляпти. Ҳар қайсидан биттадан ол-да, шаҳарга жўна”, дея биттадан тарвуз ва қовунни халтага солиб берди.

Март ойи эмасми, қовун-тарвузнинг у-бу жойи урилиб, заҳа етганди. Отам шундоғам уларни сайлаб-сайлаб олиб берганди.

Шаҳарда яшайдиган ақамниқига жўнар эканман, отам: “Келиноийнг гап қилмаса бўлди, деб қолди”.

“Гап қилиб ўлибимини, жон дер, март ойигача қовунни сақлашинг ўзи бўладими? Борозда қовун-тарвуз фалон пул турса”, дедим ичимда.

Хуллас, йўлга тушдим.
Борганида, жиянчалар ур-сур қилиб, қўлимдаги халтага ёпишди. Келиноий билан сурашдим. Ақам ишда экан. Кеч-қурун меҳмон шарафига уйда ош қилинди. Ақам билан анча вақтга гаплашиб, чақ-чақлашиб ўтирдик. Ош сузилди. Ошни еб бўлгач, келиноийни ошхонага ақамни чақирди. Чиксам, ақам мен олиб келган қовунни тиликлаётган экан. Шунда, келиноийнинг: “Отам ҳам хўп зикна-да, келиб-келиб заҳа етган қовун бериб юборадими?”, деган гапи қулоғимга чалинди. Ичимдан бир нарсачи тизилгандай бўлди.

Бейхитёр отамнинг: “Келиноийнг гап қилмаса бўлди”, деган гапи хаёлимга келди. Қовун пича заҳи топган бўлса-да, жуда ширин экан. Жиянчалар қувона-қувона ёишди. Келиноийнинг гапи кўнглимни хира қилган бўлса-да, жиянчаларимнинг қувончидан хушнуд бўлдим. Бейхитёр отамнинг: “Арининг захрин чекмаган, болнинг қадрин қайдан билсин?”, деган гапи эсимга тушди.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ

Реклама ва эълонлар

PAHTA LIZING
Қишлоқ хўжалик корхоналари учун
ТЕХНИКАЛАР, ШИНАЛАР, ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР
Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 52-уй.
Телефон: (+998 71) 150-10-56; +998 71 150-02-16; (+998 95) 177-10-56; +998 95 177-02-16.
e-mail: info@paxtalizing.uz www.paxtalizing.uz

TRAKTORBOR.UZ
«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ» КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ
(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125
Маҳсулотлар сертификатланган.
Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
Хизматлар лицензияланган.

«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК
«AMKODOR», «САЛЕО», «AMKODOR-СЕМАШ» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибутори
Моё: 90-974-00-61, 90-974-00-82. Тел: 71-283-42-17.
Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 6-март кўчаси, 57-уй. E-mail: sales@amkodor.uz, www.amkodor.uz

Ўзбекистон Магбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Буюртма Г-225, ҳажми 2 босма табақ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Маърузи: 100000. Тошкент, Магбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳририятининг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер Марис ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.
7545 нускада чоп этилди.
НАШР ИНДЕКСИ – 144
Босишга топширилди вақти: 21.00
Босишга топширилди: 00.45

QISHLOQ HAYOTI
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
таркибидagi ҳамда бошқа
даҳлддор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Жамшид ХУЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Бакриддин ЗАРИПОВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Мухаммадjon ТОШБОЛАЕВ, Абдурашул АБДУЛЛАЕВ, Ақтам ХАМИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рамикул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суҳроб ЗИЕДУЛЛАЕВ (Масъул котиб).
Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.
Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Худудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04
Вилоятлар:
Андижон – (+99893) 630-73-03;
Бухоро – (+99891) 401-29-59;
Жиззах – (+99893) 940-10-78;
Навоий – (+99891) 332-50-99;
Наманган – (+99893) 948-53-86;
Фарғона – (+99890) 407-76-03;
Самарқанд – (+99897) 575-50-67;
Сурхондарё – (+99894) 168-23-90;
Тошкент – (+99890) 620-20-05;
Хоразм – (+99890) 976-39-58;
Қашқадарё – (+99897) 790-47-61;
Қўшқоғон – (+99897) 290-28-88

Ўзбекистон Магбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Буюртма Г-225, ҳажми 2 босма табақ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Маърузи: 100000. Тошкент, Магбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳририятининг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер Марис ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.
7545 нускада чоп этилди.
НАШР ИНДЕКСИ – 144
Босишга топширилди вақти: 21.00
Босишга топширилди: 00.45

ISSN 2010-7021
Навбатчи муҳаррир:
А ҲАҚБЕРДИЕВ